

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**5** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида-  
ги Юристар малакасини ошириш марказининг Ус-  
тавига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 4 октябрдаги ПФ-4570-сон ва «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 30 ноябрдаги ПФ-4486-сон фармонларига мувофиқ, шунингдек юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 июлдаги 212-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг Уставига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 30 декабрь,  
347-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 30 декабрдаги 347-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш марказининг Уставига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. II бўлимнинг номи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Марказнинг мақсадлари, вазифалари ва фаолиятининг  
асосий йўналишлари».**

2. II бўлимга қуйидаги мазмундаги 8<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«8<sup>1</sup>. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тингловчиларни амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар билан, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида ҳуқуқни қўллашнинг замонавий мамлакатимиз ва хорижий тажрибаси билан таништириш;

назарий тайёргарликнинг суд фаолияти амалиёти билан чамбарчас ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, ўқув жараёнида олинган назарий билимларни амалиётда яхши ўзлаштириб олиш учун тегишли республика, вилоятлар, туманлар судларидаги судьяликка номзодларнинг стажировкасини ташкил этиш;

ўқув, илмий-методик ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун республиканинг етакчи таълим, тадқиқот муассасалари, суд органлари, шунингдек хорижий мамлакатларнинг жиноят, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги юқори малакали мутахассисларини жалб этиш, шу жумладан контракт асосида жалб этиш».

3. 9-бандга қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«судьялар лавозимига захирада турган ёки биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларни суд фаолияти кўникмаларига тайёрлашни, қонун ҳужжатларининг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалга

ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотлари тўғрисидаги чуқур билимларни эгаллаб олишини таъминлаш»;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. 10-банднинг ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий ўқув дастурларига асосан ўқув дастурларини мустақил ишлаб чиқиш, профессор-ўқитувчилар таркибини белгилаш».

5. 24-банддаги «ўқув режалари» сўзлари «ўқув дастурлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 25-банддаги «ўқув режалари» сўзлари «ўқув дастурлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 28-бандга қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Судья лавозимига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахслар белгиланган тартибда мажбурий тайёргарликдан ўтадилар»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. 29-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўқиш (стажировка) натижаларига кўра Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки Олий ҳўжалик судига судья лавозимларида ишлаш учун номзоднинг назарий ва амалий тайёргарлиги тўғрисидаги хулоса тақдим этилади».